

Вазифалар

Бўлимнинг яқин келажакка мўлжалланган устивор вазифалари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- таълим дастурларини халқаро талаблар асосида ривожлантириш ва ривожланган мамлакатлардаги илғор (тан олинган рейтинг ташкилотлари - THE, QS - маълумотлари бўйича биринчи 1000 таликка кирган) олий таълим муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш;
- илмий тадқиқот дастурларини халқаро талаблар асосида ривожлантириш ва халқаро илмий мактаблар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш;
- салохиятни ривожланиш дастурларини такомиллаштириш ва халқаро илғор олий таълим ва илмий муассасалар, халқаро жамғармалар ва донорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш;
- профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва талabalарнинг халқаро ҳамкорлик йўналишидаги фаолиятларда фаол иштирок этиши учун зарур ва рағбатлантирувчи шарт-шароитларни яратиш, халқаро фаолиятлар жараёни ва натижаларини объектив ва шаффоф мониторинг тизимини йўлга қўйиш;
- халқаро миқёсда ўтказилдиган олий таълим муассасалари талabalари олимпиадаларига институт иқтидорли талabalарини танлаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш;
- институтнинг халқаро майдондаги академик жозибадорлигини оширган ҳолда хорижий талabalарни кенг жалб этиш;
- институтга бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахassisliklari ўқув жараёнига илғор хорижий олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчilarини жалб этиш.